

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**БЕРДИЯРОВ БАХРИДДИН ТАВАШАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ  
ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Бердияров Бахриддин Тавашарович**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва  
тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари ..... 3

**Бердияров Бахриддин Тавашарович**

Вопросы обеспечения ликвидности и платежеспособности  
коммерческих банков Республики Узбекистан ..... 31

**Berdiyarov Bahriddin Tavasharovich**

Issues of ensuring liquidity and solvency of commercial banks  
of the Republic of Uzbekistan ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**БЕРДИЯРОВ БАХРИДДИН ТАВАШАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ  
ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.DSc.Iqt122 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Гулямов Саидахор Саидахмедович**  
иктисодиёт фанлари доктори, академик

**Каримов Норбой Ганиевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Олимжонов Одил Олимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига кўра, тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлаш банкларнинг миллий иқтисодий ривожлантиришдаги ролини оширишнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилятининг пасайиши, иқтисодий субъектлари ўртасида тўловларнинг вақтида ўтмаслигига сабаб бўлиб, бу ҳолат иқтисодий циклга салбий таъсир этади. Тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлашда уларнинг жорий ликвидлигини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва пасивларнинг барқарорлиги ҳисобига таъминлаш ҳамда регулятив капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талабларни ошириш муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, «Bank of America (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар салмоғи 2018 йилда 11,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, унинг жорий ликвидлик даражаси 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,4 фоизли пунктга ошди»<sup>1</sup>. «Barclays Bank (Буюк Британия) мажбуриятларининг ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 0,9 фоизга ошганлиги унинг тўлов қобилятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди»<sup>2</sup>.

Дунё мамлакатларида тижорат банкларидаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал этиш, банклар активлари ва капиталининг рентабеллигини ошириш, берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, стресс-тестлаш амалиётини такомиллаштириш орқали банкларнинг молиявий инқироз оқибатларига чидамлилигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, банкларнинг активлари билан пасивлари муддати, ҳажми ва фоизининг номуносиблиги, банкларда узоқ муддатли ресурслар камлиги, депозит мультипликаторининг яхши ишламаётганлиги каби омиллар банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилятини таъминлашга салбий таъсир этмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш»<sup>3</sup> муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган.

<sup>1</sup> Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America)

<sup>2</sup> Annual Reports. Concolidated summary Balance Sheet. [www.barclays.com](http://www.barclays.com) (Barclays Bank).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида 1-илова. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар жаҳондаги етакчи трансмиллий банклар, илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилмоқда, жумладан, Bank of America (АҚШ), Deutsche Bank (Германия), Barclays Bank (Буюк Британия), Harvard University (АҚШ), University of Bonn (Германия), University of Paris Sorbonne (Франция), Oxford University (Буюк Британия), Институт экономической политики имени Е.Гайдара (Россия).

Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тижорат банкларининг пассивлари барқарорлигини ошириш асосида тўлов қобилиятини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган (Barclays Bank, Буюк Британия); капитал етарлилигига қўйиладиган минимал талаблар ишлаб чиқилган ва Базель кўмитаси тавсиялари сифатида халқаро банк амалиётида кенг қўлланилмоқда (Bank for International Settlements, Switzerland); бирламчи захираларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасини таъминлаш йўли билан банкларнинг жорий ликвидлилигини таъминлаш, кредит рискин баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш орқали тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган (Harvard University, АҚШ); риск-менежмент тизимини ривожлантириш орқали банкларнинг тўлов қобилиятини ошириш

---

<sup>4</sup> Диссертация ишида қуйидаги хорижий илмий-тадқиқотлар ва иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқотларидан фойдаланилган: Bank of America. Concolidated Balance Sheet. Annual Reports. <http://www.bankofamerica.com>; Deutsche Bank. Concolidated Balance Sheet. Annual Reports. [www.db.com](http://www.db.com); Barclays bank. Concolidated summary Balance Sheet. Annual Reports. [www.barclays.com](http://www.barclays.com); Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. <http://www.bis.org/publications>; Translation of: Financial Soundness indicators: Compilation Guide. International Monetary Fund, 2007. ISBN 1-58906-401-0. [www.imf.org](http://www.imf.org); Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 880.

имкониятлари асослаб берилган (University of Paris Sorbonne, Франция); банкларда капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик, ликвидлилик ва рисклилик кўрсаткичлари киритилган (International Monetary Fund); тижорат банкларига нисбатан белгиланадиган пруденциал меъёрлар тизимини такомиллаштириш орқали банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган (Институт экономической политики имени Е.Гайдара, Россия).

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлар: тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш; ликвидлилик рискин баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш; пул-кредит сиёсати инструментларининг тижорат банклари ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш; ликвидлиликни бошқаришнинг иқтисодий-математик моделларидан фойдаланишни такомиллаштириш; банкларнинг капиталлашиш даражаси ва рентабеллигини ошириш; тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан банк тизимининг ликвидлигини таъминлашга эришиш; банк назорати бўйича Базель кўмитасининг талабларига мувофиқ тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Ж.Синки, Ф.Мишкин, И.Ларионова, О.Лаврушин, В. Усоскин, Е.Жуков, Е.Жарковская, Н.Валенцева, А.Симановский, Р.Ольхова, А.Тавасиев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>5</sup>.

Ж.Синки қимматли қоғозлар бозори ривожланган ва кутилаётган даромад назарияси кенг қўлланилаётган шароитда тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда федерал фондлар, депозит сертификатлари сингари активларни сотиш, РЕПО битимларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилган.

Ф.Мишкин тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг ролини ошириш масалаларини тадқиқ қилган.

---

<sup>5</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018с.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 880с.; Ларионова И.В. Ликвидность коммерческого банка. Банковское дело: Учебник. –12-е изд., перераб. и доп. (Глава 7). Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. –800 с.; Банковское дело: учебник. Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – 328 с.; Жуков, Е.Ф., Эриашвили, Н.Д. Банковское дело: учебник. 4-е изд. – М.: ЮНИТИ, 2011. - 687с.; Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: Омега-Л, 2010. – 325 с.; Валенцева Н.И., Ларионова И.В. Оценка финансовой устойчивости и перспектив деятельности кредитных организаций. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2018. – 242 с.; Симановский А.Ю. Базельские принципы эффективного банковского надзора и их реализация в России. // Деньги и кредит. - 2001. - №3. –С. 19-24.; Ольхова, Р.Г. Банковское дело: управление в современном банке.– М.: КНОРУС, 2011. – 298с.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.Бобакулов, А.Абдуллаев, У.Абдуллаев, Ж.Исаков, Ф.Аллаяров, А.Исмаилов, Ш.Рузметов, Р.Шомуродов, О.Саттаров, С.Абдуллаева ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг айрим назарий, амалий ва методологик жиҳатлари тадқиқ қилинган<sup>6</sup>.

Жумладан, А.Абдуллаев тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини банкларда ликвидлилик рискинни бошқариш асосида ошириш методологиясини, О.Саттаров тижорат банкларининг ликвидлилиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланадиган меъёрий талабларни такомиллаштириш масалаларини, С.Абдуллаева банкларнинг мажбуриятлари таркибида муддатли маблағлар улушини ошириш орқали уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш масаласини тадқиқ қилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси, А2-044 – «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш йўналишлари» (2012-2014), А-2-049 – «Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги талабларини Ўзбекистон банк амалиётида қўллаш истиқболлари» (2015-2017), ПЗ:2017092964 – «Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини ошириш истиқболлари» (2018-2020) давлат амалий тадқиқотлар лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қилувчи хулосаларни шакллантириш;

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда уларга хос афзаллик ва камчиликларга баҳо бериш;

---

<sup>6</sup> Bobakulov T.I., Abdullayev U.A., Isakov J.Ya. Monetar siyosat. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2019. – 232 b.; Abdullayev A.Y. Tижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 73 б.; Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 70 б.; Аллаяров Ф.А. Пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 57 б.; Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 79 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услугий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Абдуллаева С.А. Тижорат банклари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 53 б.; Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 18 б.; Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 19 б.



тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асосларини тадқиқ қилиш ҳамда уни такомиллаштиришга хизмат қилувчи илмий хулосаларни шакллантириш;

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

мамлакат тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини тавсифловчи кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик тижорат банклари – Асакабанк, Туронбанк, Алоқабанк ва хорижий банклар – Bank of America (АҚШ), Deutsche Bank (Германия), Barclays Bank (Буюк Британия), Сбербанк (Россия), Нурбанк (Қозоғистон) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш жараёнидаги молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, мантикий фикрлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистик маълумотларни даврлаш, гуруҳлаш, қиёслаш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаштириш усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида ликвидлилик кўрсаткичларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида соф фоизли спрэд кўрсаткичини меъёрий даражасига етказиш, трансакцион депозитларнинг жами депозитлар таркибидаги салмоғини пасайтириш, жорий активлар миқдорини жорий мажбуриятлар миқдоридан кам бўлишига йўл қўймасликнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

трансформация рискига барҳам бериш, тақсимланмаган фойда ҳисобидан регулятив капитал миқдорини ошириш, банкларнинг бир йилдан ортиқ муддатдаги мажбуриятлари миқдорини ошириш орқали тижорат банклари молиялаштириш манбаларининг барқарорлигини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банкларининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш, соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражасини таъминлаш, активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги, активларнинг ўсиши билан рискка тортилган активларнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш таклиф этилган;

тижорат банкларининг активлари рентабеллигини барқарорлигини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигига эришиш, соф фойданинг ўсиши билан жами

активларнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг зарурлиги асослаб берилган;

тижорат банкларининг ликвидлилигини тартибга солишнинг марказлашган усулларидан фойдаланиш, жумладан депозитлар бўйича мажбурий захира ставкаларини унификациялаш, захира ажратмаларини миллий валютада шакллантириш, монетар олтинни сотиб олиш операцияларининг банкларнинг ликвидлигига таъсирини кучайтириш таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ушбу тизимни Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган кўрсаткичлар тизими асосида ҳамда мазкур тизимга банкларнинг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичларни киритган ҳолда шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банкларида бирламчи захираларнинг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукумат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғини ошириш орқали тижорат банклари жорий ликвидлилигини таъминлаш лозимлиги асосланган;

тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини барқарорлаштириш, соф фойданинг ўсиш суръати билан жами активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активлар рентабеллигини ошириш зарурлиги асосланган;

тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг барқарор салмоғини ошириш, юқори ликвидли активлар ўсиш суръатининг депозитлар ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини ошириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини тавсифловчи кўрсаткичларнинг прогноз даражалари ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил натижаларининг иқтисодий-математик усуллар воситасида асосланганлиги, олинган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан банк тизимини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишга оид назарий-методологик ва услубий аппарат ҳамда мавзуга доир иқтисодий усулларни такомиллаштиришга бағишланган

илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг натижаларидан тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ҳамда уларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида ликвидлик кўрсаткичларининг меъерий даражасини таъминлаш мақсадида соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъерий даражасини таъминлаш, трансакцион депозитларнинг жами депозитлар таркибидаги салмоғини пасайтириш, жорий активлар миқдорини жорий мажбуриятлар миқдоридан кам бўлишига йўл қўймаслик таклифидан АТ «Асакабанк»нинг банк назорати бўйича ҳисоботларига 1-илова, 0204IS-шакл; 0024AAL-шакл билан киритилган АТ «Асакабанк»ни 2019-2021 йилларда иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ «Асакабанк»нинг 2019 йил 3 октябрдаги 19-01/6641-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида Асакабанкда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан трансакцион депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 15,2 фоизли пунктга пасайган. Шунингдек, ушбу таклифдан «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки»нинг 2020-2021 йилларга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 10 мартдаги 11-07/1465-сон маълумотномаси). Ушбу таклифининг амалиётга татбиқи натижасида банкнинг 2019 йилда 2018 йилга нисбатан трансакцион депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 18,9 фоизли пунктга пасайган. Ҳамда ушбу таклиф «Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йилда Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йил 11 мартдаги 11-3/1925-сон маълумотномаси). Ушбу таклифининг амалиётга татбиқи натижасида банкнинг 2019 йилда 2018 йилга нисбатан трансакцион депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 21,2 фоизли пунктга пасайган;

тижорат банкларида соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичининг меъерий даражасини таъминлаш мақсадида трансформация рискига барҳам бериш, тақсимланмаган фойда ҳисобидан регулятив капитал миқдорини ошириш, банк қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўли билан муддати бир йилдан ортиқ муддатдаги мажбуриятлар миқдорини ошириш таклифидан АТ «Асакабанк»нинг банк назорати бўйича ҳисоботларига 1-илова, 0204IS-шакл; 0024AAL-шакл билан киритилган АТ «Асакабанк»ни 2019-2021 йилларда иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ «Асакабанк»нинг 2019 йил 3 октябрдаги 19-01/6641-сон маълумотномаси). Мазкур таклифининг амалиётга татбиқи натижасида Асакабанкда 2018 йилда

2017 йилга нисбатан биринчи даражали капитал таркибидаги тақсимланмаган фойда миқдори 9,3 мартага ошган, муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлари миқдори 79,4 фоизга ошган. Шунингдек, ушбу таклифдан «Туронбанк» АТБнинг банк назорати бўйича ҳисоботларига 1-илова, 0026AAL-шакл билан тасдиқланган «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банкининг 2020 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Туронбанк» АТБнинг 2020 йил 5 мартдаги 11/02-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида «Туронбанк» АТБда муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятларнинг жами мажбуриятлардаги улуши 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 26,4 фоизли пунктга ошган;

трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш, активлар ва мажбуриятларни миқдор ва муддат жиҳатдан мутаносиблигини бузилишига йўл қўймаслик, жами активларнинг ўсишини активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсишидан юқори бўлишини таъминлаш йўли билан тижорат банкларининг тўлов қобилиятини ошириш таклифидан АТ «Асакабанк»нинг банк назорати бўйича ҳисоботларига 1-илова, 011OBS-шакл; 3006CAR-шакл билан қабул қилинган АТ «Асакабанк»ни 2020 йилга мўлжалланган кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ «Асакабанк»нинг 2019 йил 3 октябрдаги 19-01/6641-сон маълумотномаси). Ушбу таклифининг амалиётга татбиқи натижасида Асакабанкда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа кўрсаткичи 0,5 фоизли пунктга ошган, регулятив капиталнинг ўсишини активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсишидан 4,7 фоизли пунктга юқори бўлишига эришилган. Шунингдек, мазкур таклиф «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» АТБни 2020 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» АТБнинг 2020 йил 10 мартдаги 11-07/1465-сон маълумотномаси). Ушбу таклифининг амалиётга татбиқи натижасида «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки»да регулятив капиталнинг ўсишини активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсишидан 6,3 фоизли пунктга юқори бўлишига эришилган;

тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини ошириш, соф фойданинг ўсиши билан жами активларнинг ўсиши ўртасидаги мутаносиблиги орқали активларнинг рентабеллигини барқарор даражасини таъминлаш тўғрисидаги таклифидан «Туронбанк» АТБнинг банк назорати бўйича ҳисоботларига 1-илова, 0110BS-шакл; 0204IS-шакл билан тасдиқланган «Туронбанк» АТБнинг «Банкни ривожлантириш стратегияси»нинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Туронбанк» АТБнинг 2020 йил 5 мартдаги 11/02-108-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан «Туронбанк» АТБ пассивлари ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 4,7 фоизли пунктга ошган, соф фойданинг ўсишини жами

активларнинг ўсишидан юқорилиги 40,8 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, таклифдан «Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йилда Ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ипотека-банк» АТИБнинг 2020 йил 11 мартдаги 11-3/1925-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2019 йилда 2018 йилга нисбатан «Ипотека-банк» АТИБнинг пассивлари ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 5,3 фоизли пунктга ошди, соф фойданинг ўсиши жами активларнинг ўсишидан 37,6 фоизни ташкил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 21 та халқаро ва 51 та республика миқёсида ўтказилган жами 70 дан ортиқ илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 90 дан ортиқ илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 17 та мақола (11 та маҳаллий ва 6 та хорижий нашрларда) ва 72 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 222 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацион тадқиқотнинг «**Тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилиниб, банкларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолашнинг назарий асослари тадқиқ этилган ҳамда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асослари қиёсий таҳлил қилинган.

Е.Жарковскаянинг талқинида тижорат банкининг ликвидлилиги унинг актив ва пассивлари ўртасидаги мутаносиблик, жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасидир<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup> Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: Омега-Л, 2010. – С. 83.

Н.Валенцева ва И.Ларионованинг фикрича, тижорат банкининг ликвидлилиги унинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ жавоб бера олиши ҳамда миждозларнинг янги маҳсулот ва хизматларга бўлган талабларини қондира олишидир<sup>8</sup>.

Ф.Мишкиннинг фикрича, тижорат банкининг ликвидлилиги деганда банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур миқдорда ликвидли активларга эга бўлиши тушунилади<sup>9</sup>.

О.Лаврушиннинг фикрича, ликвидлилик банк фаолиятининг муҳим сифат тавсифи бўлиб, унинг ишончлилиги ва барқарорлигидан далолат беради. Ликвидлиликни таъминлаш учун банк балансининг шундай таркибини шакллантириш керакки, бунда активлар, ўз қийматини йўқотмаган ҳолда, пассивлар талаб қилиниши билан ўз вақтида пул маблағларига айланиши керак<sup>10</sup>.

Таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банкининг ликвидлилиги хусусидаги илмий-назарий фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, тижорат банкининг ликвидлилиги уларнинг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун етарли даражада ликвидли активларга эга бўлиши сифатида талқин қилинмоқда. Бунинг учун эса, тижорат банкининг активлари ва жалб қилинган маблағлари ўртасида мутаносиблик таъминланган бўлиши керак.

Шу билан бирга, банкларда тўлов қобилияти тушунчаси ҳам мавжудки, муаллифнинг фикрича, тижорат банкининг тўлов қобилияти унинг ликвидлилигига нисбатан кенг тушунча ҳисобланади. Ушбу хулоса қуйидаги далилларга таянади:

тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамларида вақтинчалик пул маблағлари етишмаслиги юз бериши мумкин, бу банкнинг вақтинчалик ликвидлилигини йўқотганлигини билдиради, аммо мазкур ҳолат банкнинг тўловга қобил эмаслигини аниқлатмайди;

тижорат банки балансидаги юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиш, бошқа банклардаги депозитларини қайтариб олиши ёки пул бозоридан қисқа муддатли ресурслар жалб этиш орқали ликвидлилигини тиклаши мумкин;

ҳар қандай тижорат банкининг тўлов қобилиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткич капиталнинг етарлилик даражаси ҳисобланади. Банк капиталининг етарлилик даражаси юқори бўлган шароитда ҳам банкнинг вакиллик ҳисобрақамларида вақтинчалик пул маблағлари етишмаслиги юз бериши мумкин.

Иқтисодий адабиётда тижорат банкининг ликвидлилигига хос белгилар хусусида уч хил назарий ёндашув мавжуд.

Биринчи назарий ёндашув тарафдорлари тижорат банкининг ликвидлилигини аниқлашда асосий эътиборни унинг ўз мажбуриятларини

<sup>8</sup> Валенцева Н.И., Ларионова И.В. Оценка финансовой устойчивости и перспектив деятельности кредитных организаций. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 176.

<sup>9</sup> Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 267..

<sup>10</sup> Деньги, кредит, банки: учебник / Под ред. проф. О.И. Лаврушина. / – М., 2007. – С. 412.

бажара олишига қаратадилар. Уларнинг фикрича, тижорат банкининг ликвидлилиги деганда банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришини таъминлаш имкониятига айтилади.

Муаллифнинг фикрича, мазкур назарий ёндашув муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини оширишнинг мажбурий шартларидан бири улар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш бевосита банкларнинг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олишига боғлиқ.

Бироқ, муаллифнинг фикрича, банкларнинг ликвидлилиги хусусидаги биринчи назарий ёндашувга хос айрим камчиликлар мавжуд. Хусусан, мазкур назарий ёндашувда тижорат банкларининг мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишда юзага келувчи бевосита ва билвосита харажатлар ҳамда йўқотишлар ҳисобга олинмаган. Ҳолбуки, харажат ва йўқотишлар шу қадар катта бўлиши мумкинки, бунинг натижасида маълум вақт ўтгач банкнинг ликвидлилиги кескин пасайиб кетиши мумкин.

Иккинчи назарий ёндашув тарафдорлари тижорат банклари ликвидлилигининг қуйидаги икки муҳим белгисини ажратиб кўрсатадилар:

банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши;

банк томонидан мажбуриятларни бажаришда йўқотишлардан қочиш имконияти<sup>11</sup>.

Муаллифнинг фикрича, иккинчи назарий ёндашувнинг муҳим афзаллиги тижорат банклари томонидан мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келувчи йўқотишлардан қочиш имконияти ҳисобга олинганлигидир.

Тижорат банки ликвидлилигининг белгилари бўйича учинчи назарий ёндашувда юқорида қайд этилган икки белгидан ташқари учинчи белги, яъни тижорат банкининг жалб қилинган депозит ва омонатларни ўз вақтида қайтара олиш имконияти ҳам ўз аксини топган.

Муаллифнинг фикрича, учинчи белгининг акс этганлиги ушбу назарий ёндашувнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Сабаби, тижорат банклари жалб этилган депозит ва омонатларни талаб қилинган даврда ўз вақтида қайтариш учун етарли даражада ликвидли бўлиши керак.

Аммо, учинчи назарий ёндашувда ҳам маълум камчиликлар мавжуд. Хусусан, учинчи назарий ёндашувда тижорат банклари ликвидлилигининг муҳим белгиларидан бири, яъни уларнинг кредит бера олиш имконияти ҳисобга олинмаган. Ҳолбуки, тижорат банклари кредитларни миқдорларга ўз вақтида ажратиши бевосита уларнинг ликвидлилигига боғлиқ.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Абдуллаев тижорат банкларининг ликвидлилик моҳиятини ёритиб беришга қаратилган қуйидаги таърифни берган: «банк ликвидлилиги банк фаолиятига миқдорий баҳо ва сифат тавсифи берувчи кўрсаткич бўлиб, зарур пайтда молия бозоридан ликвидли маблағларни арзон нархларда депозитларга жалб этиш, активлар

<sup>11</sup> Банковское дело: учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. / – М., 2010. – С. 186.

ўсишини ресурслар билан таъминлаш, банк рискларини камайтириш, юқори ликвидли ва ликвидли активлар ҳажмини мақбул даражада мустаҳкамлаш, муддати келган барча реал ва шартли мажбуриятларни ўз вақтида ва келгусида йўқотишларсиз, тўлиқ бажариш имкониятидир»<sup>12</sup>.

Муаллифнинг фикрича, А.Абдуллаевнинг активлар ўсишини ресурслар билан таъминлаш, банк рискларини камайтириш, юқори ликвидли ва ликвидли активлар ҳажмини мустаҳкамлашга оид таклифлари тижорат банкларининг ликвидлилигини ошириш методологияси учун муҳим ҳисобланади. Лекин муаллифнинг зарур пайтда молия бозоридан ликвидли маблағларни арзон нархларда депозитларга жалб этиш таклифи баҳслидир. Чунки бу ҳолатда банклар маълум даражада йўқотишларга дуч келади.

Шунингдек, маҳаллий олимлардан О.Саттаров Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш масаласини мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилган ва бир қатор илмий таклифларни ишлаб чиққан<sup>13</sup>. Муаллифнинг фикрича, О.Саттаровнинг тижорат банкларининг ликвидлилиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талабларни такомиллаштириш хусусидаги, банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида такомиллаштириш, тижорат банкларининг ликвидлилигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш хусусидаги таклифлари Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бироқ унинг жалб этиладиган депозитларнинг фоиз ставкасини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш хусусидаги таклифи мунозаралидир. Яъни бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкалари ссуда капиталлари бозорида, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Шу сабабли, депозитларнинг фоиз ставкасини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ равишда ўрнатиш, биринчидан, бозор муносабатлари табиатига тўғри келмайди, иккинчидан, ссуда капиталлари ҳаракати бузилишига олиб келади.

Диссертацион тадқиқотнинг биринчи бобида амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланган ҳолда, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ушбу тизим ХВФ томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган ва 24 та кўрсаткичдан иборат тизим асосида ва бу тизимга банкларнинг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичларни киритган ҳолда, шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

<sup>12</sup> Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 14-15 б.

<sup>13</sup> Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 70 б.



иккинчидан, банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштириш мақсадида «CAMELS» рейтинг тизимидаги ликвидлик ва даромадларнинг барқарорлиги бўйича меъерий талаблар ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг соф фоизли спрэд ва соф фоизли маржа кўрсаткичлари бўйича тавсия этилган талабларни пруденциал меъёрлар сифатида жорий этишнинг зарурлиги асосланди.

Тадқиқотнинг «Тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича хориж тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари» деб номланган иккинчи бобида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослашга хизмат қилувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қуйидаги жадвал орқали Bank of America банкининг ликвидли активлари динамикаси ва даражасига баҳо берилади.

#### 1-жадвал

#### «Bank of America»нинг бирламчи захиралар шаклидаги ликвидли активлари динамикаси ва даражаси<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Ликвидли активлар, млрд. доллар	138,6	159,4	147,7	157,4	177,4	128,0 %
Ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, %	6,6	7,4	6,8	6,9	7,5	0,9 ф.п.

1-жадвал маълумотларига кўра, Bank of America банкининг бирламчи захира шаклидаги ликвидли активлари миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 28,0 фоизга (сезиларли даражада юқори бўлган ўсиш суръати), бирламчи захира шаклидаги ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи 0,9 фоизли пунктга ошган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

АҚШ банк амалиётида бирламчи захиралар таркибига тижорат банкларининг пул шаклидаги активлари, Марказий банкдаги (ФЗТ) вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари, бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари ва бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар киради.

<sup>14</sup> Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

## 2-жадвал

### «Bank of America»нинг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари динамикаси ва даражаси<sup>15</sup>

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан
Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига инвестициялар, млрд. доллар	191	192	198	212	261	136,6 %
Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, %	9,1	8,9	9,1	9,3	11,1	2,0 ф.п.

2-жадвалда келтирилган маълумотларда Bank of America банкининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 36,6 фоизга, шунингдек, мазкур давр мобайнида унинг жами активлари ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари салмоғи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга ошган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

«Deutsche Bank»нинг тўлов қобилияти даражасига ҳамда унинг регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи ўзгаришига баҳо берамиз.

## 3-жадвал

### «Deutsche Bank»нинг пасивлари, регулятив капитали ва унинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи<sup>16</sup>

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
Пассивлар, млрд. доллар	1708	1629	1590	1474	1348	78,9 %
Регулятив капитал, млрд. доллар	73	67	64	68	68	93,2 %
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	4,3	4,1	4,0	4,6	5,0	0,7 ф.п.

3-жадвалга кўра, Deutsche Bank пасивларининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 27,1 фоизга, регулятив капитали 6,8 фоизга камайган. Шунингдек, таҳлил қилинган даврда регулятив капиталнинг пасивлар

<sup>15</sup> Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com> (Bank of America) маълумотлари асосида тузилган.

<sup>16</sup> Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. [www.db.com](http://www.db.com) (Deutsche Bank) маълумотлари асосида тузилган.

ҳажмидаги салмоғи паст даражада бўлган. Бу эса, Deutsche Bankнинг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўз навбатида, республикамизда тижорат банклари капиталининг пассивлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши, банкларнинг қарз қимматли қоғозлар билан амалга оширилувчи эмиссион операциялари ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган тадқиқотга асосланган ҳолда, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш бўйича қуйидаги амалий тавсиялар шакллантирилди:

1. Тижорат банклари бирламчи захиралари ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортиқ қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш лозим.

2. Тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш, соф фойданинг ўсиш суръати билан жами активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активлар рентабеллигининг барқарор даражасини таъминлаш зарур.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилиятининг замонавий ҳолати ва тенденциялари**» деб номланган учинчи бобида мамлакат тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти таҳлил қилинган ҳамда мавжуд тенденциялар аниқланган.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан Марказий банкнинг талаблари мавжуд бўлиб, улар банклар учун пруденциал меъёр ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш чора-тадбирлари тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

